



4.000.000 тонна тахёр!



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 204 (5553).
17
ОКТАБРЬ
Ж У М А
1975 йил.
Баҳоси 2 тийин.



РЕСПУБЛИКА ХУРМАТ ТАХТАСИГА

1975 йилда пахта тахёрлаш халқ ҳўжалиги планларини мўддатидан илгари бажарганликлари учун қўйидагилар республика хўрмат тахтасига ёзилди:

Тошкент областадаги Янгийўл райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Алимов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ортиқхўжаев, район ижроия комитети район қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ермеєв, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Мансуров, сўғариш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Юнусов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Асєдов.

А. Мамєєв фотолари.

ТОШКЕНТ—ИВАНОВО МЕХНАТ МУСОБАҚАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

Халқ ҳўжалиги айрим айрим соҳаларининг 1975 йил январь-сентябрдаги иш ажуллари

Тошкент : Иваново		
САНОАТ		
Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процент ҳисобида)	110,4	103,2
Реализация планнинг бажарилиши (процент ҳисобида)	103,8	101,0
Планидан ташқари реализация қилинган — миллион сўм	122,0	40,4
Реализация планни бажармаган корхоналар сон	14	35
Саноат ҳодимлари сонининг ўтган йиллик шу даврдагига нисбатан ўтариши — (процент ҳисобида)	103,4	99,5
Меҳнат унумдорлигининг ўсиши (процент ҳисобида)	106,7	103,7
Меҳнат унумдорлигини ошириш планни бажармаган корхоналар сон	58	80
Ишлаб чиқариш ҳажми турдаги калава — (тонна ҳисобида)	3429	245,545
Калава ишлаб чиқариш планнинг бажарилиш проценти	92,4	99,8
Газлама ишлаб чиқариш планнинг бажарилиш проценти	100,6	97,8
ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ		
Барча категориядаги ҳўжаликларда пландан ташқари ҳарид қилинган асосий чорвачилик маҳсулотлари қўшиб ҳисобланганда йиллик планнинг бажарилиши (процент ҳисобида):		
чорва ва парранда	98,1	77,0
сут	90,8	90,0
тўхум	71,4	83,0
Колхозлар ва совхозларда январь-сентябрь ойларида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорванинг маҳсулдорлиги:		
асосий чорва ва парранда турларини қўшта топириш учун тирик вазида реализация қилиш (минг тонна)	22,3	374,3
1975 йил январь-сентябрь ойларида 1974 йилнинг январь-сентябрь ойларидагига нисбатан процент ҳисобида	108,8	108,0
Сотиб олинган яли сут (минг тонна)	89,6	261,0
1975 йилнинг январь-сентябрь 1974 йил январь-сентябрь ойларидагига нисбатан процент ҳисобида	107,8	110,0
Товуқ тукуми етиштириш (миллион дона)	128,4	182,9
1975 йил январь-сентябрь ойларида 1974 йил январь-сентябрь ойларидагига нисбатан процент ҳисобида	109,1	118,0
Ҳар бир соғин сугирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори (килограмм)	2245	1894
1975 йил январь-сентябрь ойларида 1974 йил январь-сентябрь ойларидагига нисбатан процент ҳисобида	105,5	101,0
Товуқлардан олинган ўртача тукум миқдори (дона)	127	194
1975 йил январь-сентябрь ойларида 1974 йил январь-сентябрь ойларидагига нисбатан процент ҳисобида	101,6	102,0
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ		
Давлат капитал маблағлари ҳисобига амалга оширилган — процент ҳисобида:		
капитал маблағ сарфлаш планнинг бажарилиши	88	83
Курилиш-монтаж ишлари планнинг бажарилиши	90	90
Уй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш планнинг бажарилиши	94	98
САВДО		
Давлат ва кооператив савдоси товар оборот планнинг бажарилиши, умумий овқатланиш ҳам шу ҳисобга қиради (процент ҳисобида):		
Жами	101,4	101,6
Чакана савдо тармоқлари товар обороти	101,4	101,6
Умумий овқатланиш товар обороти	101,7	101,2
МАШИНИ ХИЗМАТ		
Машиини хизмат кўрсатиш ҳажмининг бажарилиши — жами (процент ҳисобида)	100,9	100,5

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕХНАТҚАШЛАРИ! КПСС XXV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КЎТИБ ОЛИШ УЧУН БОШЛАНГАН УМУМХАЛҚ СОЦИАЛИСТИК МУСО- БАҚАСИНИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЕЙДИРИНГИЗ! 1975 ЙИЛ ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖА- РИШ ВА ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУВАФ- ФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАШ УЧУН ҚУРАШИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).



430.000 ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ БЎЛГАН МАЪЛУМОТ				
(Халқ ҳўжалик планга нисбатан процент ҳисобида)				
Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда топирилган пахта, учинчи стун — мавсум бошдан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — мавсум бошдан бери.				
ЮКОРИ ЧИРЧИК	1,80	119,36	1,01	125,48
ҚУНИ ЧИРЧИК	1,53	114,32	1,25	121,36
ЯНГИЙЎЛ	2,23	102,28	2,59	91,12
Оқўрғон	2,88	94,63	2,08	92,27
Бўка	2,76	93,67	3,20	92,45
Бекобод	2,38	92,14	2,14	91,31
Чиноз	3,13	91,05	3,06	86,25
Пискент	2,20	89,98	1,80	83,94
Ўрта Чирчиқ	1,85	89,31	1,54	98,67
Область бўйича:	2,40	96,87	2,05	98,09

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Янгийўл райони тайёрлов идорасининг коллектив дехқонлардан олинган маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва сотишда намунали хизмат кўрсатди.

Тайёрлов идорасининг ишчилари беш йиллик планни барча турлар бўйича мўддатидан олдин ортиғи билан бажаришди. 45325 ўринга 63561 тонна савзавот маҳсулотлари сотиб олди ва реализация қилинди. Картошка сотиб олди ва тарқатишда ҳам анча илгарилашди.

Бир йил 10 минг ўринга 13 минг тонна маҳсулот тайёрлаб, мамлакатининг Омск,

ВЕНГРИЯ ДИПЛОМЛАРИ ТОШКЕНТ ИНСТИТУТЛАРИГА

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги министрлигига Р. Р. Шредер номи боддорчилик, узунчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтини БУДдештдан хабар келди. Бу институтнинг маҳсулотлари Венгрия фашизмдан озод этилганлигининг 30 йиллигига бағишлаб тақдим қилинган 68-Умумвенгрия йиллашма-ярмаркасида намоиш қилинди.

Тарвуз ва қовун, узум, турли медаларнинг янги навлари жаҳоннинг 28 мамлакатидан келган мутахассислар ва илмий қўластичиларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди.

(ЎзТАГ).

Пермь, Свердловск, Иркутск ва бошқа саноат шаҳарларига жўнатилади. Ўртавул. 1-разъезд. Янгийўл тайёрлов пунктларининг ишчилари айниқса яхши ишлашди.

Район тайёрлов идорасининг директори ўртоқ Т. Неабоев бундай дейди:

— Биз планнинг охиригача бажаришди, лекин, маҳсулот қабул қилиш ва жўнатишни бўшаштиришимиз йўқ. Мавсум охиригача қўшимча бир минг тонна савзавот, 500 тонна поллиз экинлари ва 300 тонна бошқа хил маҳсулотлар қабул қилиб оламиз.

Мажбуриятимизни ҳам бажариб, партиянинг навбатдаги XXV съездини ёрғуз юз билан қўтиб оламиз.

ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ТУЛАГА КЕЛДИ

Франция республикасининг президенти В. Жискар Д'Эстен 15 октябрь кунининг биринчи ярмида Тулага келди.

В. Жискар Д'Эстен Ясая Полянага бориб, улуғ рус ёзувчиси Л. Н. Толстойнинг музей-усадьбасини кўздан кечирди.

Олий мартабали меҳмон, унга ҳамроҳлик қилаётган Франция давлат арбоблари, шунингдек Франциянинг СССРдаги элчиси

Ж. Вимон бутун тушдан кейин Бородино ҳарбий-тарихий музей-қўриқхонаси билан танишди.

Кеча Франция Республикаси президенти ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар Киевга жўнаб кетди.

(ТАСС).

ПАХТАКОР ОЛИМЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

СоюзНИХИнинг илмий коллектив республикада пахтачиликни ривожлантиришга йил сайин катта ҳисса қўшиб келмоқда. Тажриба ҳўжаликларида пахтанинг эрта пишар, узун толали янги навлари иккун этилибди.

СоюзНИХИда тўққизинчи беш йиллик мўддаланган халқ ҳўжалик плани ошириб бажарилиди. Давлат бу коллективдан 105 минг 415 тонна

ўринга ҳозиргача 100 минг 326 тонна юқори сифатли пахта қабул қилиб олди. Улар яна 20 минг тонна пахта тайёрлаш учун курашмоқдалар.

Беш йиллик планнинг муваффақиятли бажарилишида «Партия XX съезди» эксперементал совхоз, Фарғона, Бухоро тажриба ҳўжаликлари илмий ходимлари айниқса ғайрат-шиқоат кўрсатдилар.

Болгария Халқ Республикаси Хасково округи Димитровград шаҳридаги «Булка» цемент комбинати делегацияси кеча Тошкентдан ўз ваталигига жўнаб кетдилар. Делегацияга комбинат директори Вичо Беневский раҳбарлик қилди.

Болгариялик дўстлар Охангарон цемент комбинати иши билан чуқур ва атофалча танишдилар. Уларни айниқса асбоцемент ва теплоизоляция буюмлари ишлаб чиқариш, янги техника, илғор технология жўда қизиқтирди.

Комбинатда совет-болгар

ДЎСТЛАР ТАЖРИБАСИДАН ЎРГАНИБ

дўстлиги митинги бўлиб ўтди. Болгариялик цементчилар охангаронлик ҳамкасбларига социалистик мусобақа ғолибларига бериш учун Қизил байроқ ва ишита вимел тадним қилиди.

Делегация аъзолари Тошкентнинг янги қурилишлари билан танишдилар, Марказий Ленин музейининг филиали,

республика халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси ва Георгий Димитров номи мактабда бўлибди, шунингдек Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари томоша қилинди.

Болгариялик меҳмонлар Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва республика қурилиш материаллари саноати министрлигига қабул қилинди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

САҲИФА
№ 153

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

СУДРАЛИШНИНГ ЧЕКИ БОРМИ

ТЎҚҚИЗИНЧИ беш йилликнинг ҳал қилувчи ойларида қўллаб қорғош, ташкилот коллективлари якуловчи йил вази-
фаларини муддатидан илгари урдада, ўзини беш йилликни
меҳнат зафарлари билан қутқариш учун курашмоқдалар.
Аммо, шундай ташкилотлар борки, «бўжарамиз» «патла бера-
миздан» нари ўттирмайди. Жўмладан област маҳаллий са-
новат бошқармаси, «Ташобуслестрой» тресты ҳафта ёрдамчи
пудратчи ташкилотлар шу қабилда иш тутмоқдалар.

Алмалыкдаги трикотаж фабрикаси қурилишида 1975 йи-
лининг ўзига 419 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмади.
Шу йилнинг саккинчи ойи мобайнида эса 218 минг сўмлик ўр-
нига 127 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиди.
Ҳозирда бу ерда фақат 2-«Узсельспестрой» трестига қараш-
ли 90-қиллоқ қўйма механизацияланган колоннаси ташкилоти
ишдамоқда.

Қурилиш объектида сантехника ишлари ҳамон тугалланма-
ди. 100-қиллоқ қўйма механизацияланган колонна ёрдамчи
пудратчи ташкилоти (бошлиғи Муҳиддинов), «Сельтранспес-
строй» трестига қарашли 20-қиллоқ қўйма механизациялан-
ган колоннаси ҳам ўз ишларини сўст олиб боришяпти.

Область халқ контроли комитети Алмалык трикотаж
фабрикаси қурилиш масаласини кўриб чиқиб, 10-механиза-
цияланган колоннанинг собиқ бошлиғи Ҳамидов (ҳозирда
«Областсельстрой» трестининг бош инженер), шунингдек, бош
инженер Абдураҳмон ҳайфеан эълон қилди. Фабрика директо-
ри Шодиев оғохлантирилди. Шунингдек, фабрика қурилиши
ноябрь ойида тугатиш ва фойдаланишга тошпириш учун
бир қатор тадбирлар белгилан тошпирилди.

ЖАРИМА НЕГА ТЎЛАНЯПТИ

Агар 42 минг сўмлик жариман қорхона раҳбарларининг
қўлга олинган бўлса, яна унда жарима нима эканли-
гини Чиноз қурилиш материаллари ва конструкциялари ком-
бинати маъмурияти ахши билиб олган бўларди.

Утган саккинчи ойи давомида завод территориясида вагонлар
12 соатдан ортиқ бўш туриб қолди. Ҳўш, бунга сабаб нима
дерсиз? Вагонга ортилган темир-бетон буюмлари асосан
қўлда мустаҳкамланган, юклар схемаси қўшнча нотўғри тузи-
лади. Натижада тез-тез қайтадан юкларга мажбур бўлинади.
Масалан, шу йилнинг 5 сентябрида 4610589 номерли вагон
қайтадан юкларга юборилди. Яна қайтадан тушириб ортилди
ҳам. Худди шу вагоннинг ўзи 8 сентябрда яна қайтарилди.

Халқ назоратчилари бу каби камчиликлар областимиздаги
бошқа ташкилотларда ҳам юз бераётганини аниқлади. Баъзи
вагонлар суткалар, ҳатто 100 соатлаб бекор туриб қолмоқ-
да. Худди шу ахволди Чирчиқ нон заводида ҳам кўриш мум-
кин. Бу қорхонада вагонлар ўрта ҳисобда 1,3 ўрнига 26,4
соатдан туриб қолмоқда. Шу саккинчи ойида 5559 сўм жа-
рима тўлашга мажбур бўдилар.

Олмалик маҳаллий химия заводида вагонлардан юк туши-
ришнинг гаройиб усули тошгани: йўллар қорхонадан 12 кило-
метр нарида тўхтатилади. Йўлнинг узонлиги туфайли ташиб
олиш доимо қўнқан-қўнқа туриб қолди. Сабобини сўрасан-
гиз «ҳали темир йўл тармоғимиз битгани йў» деб баҳона
қилишяпти. Юк тушириш ишлари бир еменда ва кам механиз-
ация ёрдамида олиб бориладиган учун ишлар ҳам сўм жарима
тўламоқда. Шу каби ахволни «Узбекзолото» комбинатининг
«Қаудли» қониди ҳам кўриш мумкин.

Ҳа, қатор қорхоналарда вагонларнинг ҳар хил баҳоналар
билан бўш туриши туфайли юзлаб минг сўм давлат пуллари
бекорга жаримага тўланамоқда. Назоратчилар айбдорларни
аниқлашди. Чиноз қурилиш материаллари ва конструкциялари
комбинати бош инженерининг ўринбосари Тутковга, Олмалик
маҳаллий химия заводининг бош инженери Литвинцевга, «Узбек-
золото» комбинати «Қаудли» қониди бошлиғи Омиловга ва
Чирчиқ нон заводининг директори Буровага ҳайфеан эълон
қилинди.

ЙЎҚОЛГАН МИНУТЛАР, СОАТЛАР, КУНЛАР...

Тушлик вақтида баъзи қорхоналарга бориб қолсангиз,
ошхоналарда илгич-хизматчиларнинг турна-қатор бўлиб нав-
батда турганликларининг гувоҳи бўласиз.

Масалан, «Чирчиксельмаш», заводида ишчилар сонга неча
минг кишини ташкил этсада, бор-йўғи 272 ўринли ошхона
мажбур, «Узбекхиммаш» заводида ҳам ишчиларни несиқ о-
қат билан таъминлашда хизматнинг турли форма ва метод-
ларидан фойдаланилмайтир. Бекобод цемент комбинати ош-
хонасида ўринлар сонга белгиланган 3 баробар кам.

Қўнгина ташкилотларда илгич-хизматчилар оқватланиш
учун салкам бир соатдан кўпроқ вақт сарфлашяпти. Баъзи
жойларда ҳатто илгич-товорлар, вилка ва бошқа шу каби на-
рсалар етишмайди. Бекобод металлургия заводи мартен де-
хининг ошхонасида илгич-товар 100 кишининг ярмига ҳам ет-
майди.

Қорхона ошхоналарида оқват таннархини арзонлаштириш
ҳақидаги кўрсатмаларга ҳам риоя қилинмапти. «Узбекхим-
маш», «Чирчиксельмаш», Олмаликдаги мис бойитиш фабрикаси,
марказий ремонт-механика, химия, маҳаллий химия завод-
ларида шу мақсадда социал-маҳаллий фонддан фойдаланил-
мапти.

Булардан ташқари, қўнгина ошхоналарда хизмат мада-
нияти даражаси паст. Сути ва сабзавотлар маҳсулотлардан
тайёрланган оқватлар камдан-кам бўлади. Халқ назорат-
чилари областимиздаги 38 қорхона ошхоналарини текшириш-
ларида 20 тасида таом тайёрлашнинг технологик жараёнлари
бузланганлиги маълум бўлди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, область иқроия коми-
тети ҳузуридаги савдо бошқармаси илгич-хизматчиларга қўлай
бўлган абонемент картончалари орқали хизмат қилиш, комп-
лекс нонушта, тушлик ва кечки оқватлар тайёрлаш, оқватла-
ниш учун чекларни цехнинг ўзига сотиш каби рақобат форма-
ларини сўст татиқ этаяпти.

Областимиздаги бир қатор шаҳар, шу жумладан қорхона-
лар, умумий оқватланиш ташкилотларининг раҳбарлари бу
муҳим ишга етарли эътибор бермаптилар. Область халқ кон-
троли комитетининг йилгишда айбдор кишиларга нисбатан
чоралар қўрилди.

МУҲИМ ТАДБИРЛАР

Пахтакорларнинг долзарб дам-
лари давом этмоқда. Ҳамма ерда
етиштирилган пахта ҳосилини не-
снуб қилмай йиғиштириб олиш
учун қизгин кураш кетмоқда.
Хўжалигимиз назоратчилари ана
шу муҳим ишга муносиб ҳисса
қўлишяпти.

Шу кунларда ёниқдан, эҳти-
ят қисмлардан тежаб-тергаб фой-
даланиш, ҳар бир терим агрега-
тининг икки еменда ишлашини
таъминлаш, меҳнат унвудорлиги-
ни ошириш йўлида рейд ва тек-
ширишлар ўтказмоқдамиз. Шу
билан бирга механизаторлар
меҳнатига тўғри ҳақ тўлашини
таъминлаш ҳам эсдан чиқар-
маймиз.

Пахтачилик билан бирга дон,
шол, сабзавот, полза ҳамда
бошқа экинларнинг нобудгарчи-
лигига йўл қўймалик учун ҳам
қўнгина тадбирларни амалга оши-
раёламиз. Экиндан бўшаган ерлар
пешма-пеш шудгорланяпти. Бу
ишнинг сифатига эътибор бериш
эндилликдаги асосий вазифамиз-
дир.

Чорвачилик ем-хашак базасини
мустаҳкамлаш мақсадида уюшти-
рилган рейд ҳамда текширишлар
ҳам самарали бўлмоқда.

К. ИСЛОМОВ,
Ўрта Чирчиқ район Соардло
нонли колхоз халқ контроли
группасининг раиси.



Пискент районидagi Калинин номли колхознинг
пешқадам механизатори Жаннат Хидирова актив халқ
назоратчиси ҳамдир. Мавсумда 150 тонна «оқ олтин»
териби беришга аҳд қилган илгор механизатор халқ на-
зоратчилари ўтказаятган рейд ва текширишларда ак-
тив иштирок этмоқда. Суратда: Ж. Хидирова.

А. Мальцев фотоси.

ДЕҲҚОН МЕҲНАТИНИ ҚАДРЛАЙЛИК

ОБЛАСТИМИЗ пахтакорла-
ри улкан пахта хирозини
бунёд этишяпти. Олимларимиз
июлдан қилган, буюк ишчи си-
фий бунёд этган серунум ишчи-
налар билан қўрқолган тажри-
бакор пахтакорларимиз бутун
куч ва имкониятларини ишга
соллаб, табиат қийинчиликлари-
ни сениб ўтдилар, кеч-кун-
дуз тинмай, суз тақисилли-
гининг олдини олиш учун кураш
олиб бордилар. Бободоҳон
қалб қўри, баракани меҳнати
туфайли оқ нуқралардан юксак
«оқ олтин» тоғлари қад қўтар-
ди.

Халқ назоратчилари ҳам бу
шарафли ишга муносиб ҳисса
қўлишмоқдалар. Йилнинг
мавсуми олдидан бир қатор
тадбирлар белгилан, қўшмача
постлар ташкил этилди. Халқ
назоратчиларининг катта бир
группаси тайёрлов пунктларида
пахтани ўз вақтида ва тўғри
қабул қилишни таъминлаш
учун рейд ва текширувлар ўт-
казишяпти, юзук ва камчилик-
ларни аниқлашяпти.

Маълумки, пахта пунктлари-
га тошпирилган ҳосилнинг
ифлослик даражаси 12 про-
центдан ошмасе ҳар бир тонна
пахта учун ҳўналишга 10 сўм
дан қўшмача ҳақ тўланади. Бу
тадбир механизаторларни «оқ
олтин»ни тез ва тоза теришга
ундайти. Лекин, баъзи пахта
пунктларида бу қондан бунзи
ҳоллари учрамоқда. Масалан,
Пискент пахта заводининг «Оқ-
тена» тайёрлов пунктида олти
кун ичига «Пискент» совхозин-
инг 6-бўлимида 50 тонна
пахта қабул қилиниб, 13,3 про-

цент ифлослик даражаси белги-
ланган. Халқ назоратчилари
текширишларида 20 тонна пах-
танинг ифлослик даражаси 9,7
процент эканлиги маълум бўл-
ди. Демак, бу ҳўжалик бир
ҳафта ичига 1151 килограмм
пахта «йўқотиб» 611 сўмлик
меҳнат ҳақи ва 208 сўм раг-
баллаштириш пулини ололма-
ган. Бекобод пахта заводининг
«Ичкилоб» тайёрлов пунктида
Навоий колхозидан қабул қи-
либ олинган пахтанинг ифлос-
лик даражаси 2,6 процентга
ошириб кўрсатилган. «Давлар-
ани» пахта заводининг қаноқ
тайёрлов пунктида 11 октябрь
куни «Ленинград» совхозидан
қабул қилинган пахтанинг иф-
лослик даражаси 3,4 процентга
ошириб ёзилган.

Шунингдек, бошқа пахта
пунктларида ҳам бундай кам-
чиликларни учратиш мумкин.
Бўка районидagi Ҳамза-нонли
тайёрлов пунктида нотўғри ана-
лиз туфайли ҳўжалиқларнинг
пахтаси 2600 килограмм, Юкю-
ри Чирчиқ районидagi «Ўзбек-
хизмат» пахта пунктларида
683 килограмм, «Ўзбекис-
тон» ССР беш йиллик пахта
заводи ҳузуридаги тайёрлов
пунктида 495 килограмм кам
қилиб кўрсатилган.

Хўш, бу каби қўнғисиз во-
қеалар нега содир бўляпти? Би-
ринчи гада, классификатор-
ларнинг ишида қўл камчилик-
лар юз бермоқда. Масалан, ҳар
бир тележкадаги пахтанинг то-
заалиги ўлчанганда бир неча
жойдан анализга олмақ даркор.
Лекин, ходимлар фақат бир ёни
икки жойдан шу билан бирга

энг ифлосланган еридан текши-
ришга олишяпти. Бунинг устига
барча тележалардан анализ
га олинган пахта бир-бирига
қўшиб текширишмоқда. Нати-
жада объектив хулоса чиқма-
ляпти.

Халқ назоратчилари текши-
рувларда бу каби ҳолларнинг
жуда кўп жойларда учраётгани-
ни аниқлашди. Баъзи жой-
ларда эса тўғридан-тўғри, қон-
даги ҳўлоф равишида, пахтанинг
ифлослигини даражаси ошириб
кўрсатилляпти. Текшириш на-
тижасида эса пахта пунктлари-
да неча тонналар пахта ортиқ-
ча чиқмоқда.

Ахир, деҳқон бу пахталарни
етказгунча озмунча тер тўкиб,
меҳнат қилдики! Уни экниш,
парвариш қилишдан тортиб то
йиғиб олгунча қанчадан-қанча
меҳнат сарфлади. Баъзи масъу-
лиятсиз ходимлар деҳқон меҳ-
натининг қадрини билмапти.

Халқ назоратчилари бундай
ҳолларга қарши кураш олиб
бормоқда. Жўмладан, Бўка рай-
он халқ контроли комитети ўз
йилгишда Ҳамза-нонли тай-
ёрлов пункти ходимларининг
номусини қатти-қаракатларини
муҳомаа қилди. Тайёрлов
пункти бошлиғига нисбатан те-
гишли чора қўрилди. Класси-
фикатор ва лаборатория бош-
лиғи ишдан бўшатилди.

Бекобод район халқ контроли
комитетининг ўтказилган йил-
гишда ҳам пахта пунктлари-
даги камчиликлар муҳомаа
қилинди. «Ичкилоб», «Соци-
ализм» пахта тайёрлаш пункт-
ларининг мудралари Очилов ва
Шохмиев, катта классифика-

торлар Қўлиев ва Маъмуров-
ларга начет белгиланди.

Район халқ контроли коми-
тетлари пахта пунктларидаги
бу хилдаги қўнғисиз воқеалар-
ни тугатиш мақсадида рейд ва
текширишлар ўтказяпти. Улар-
нинг якулари эса район пар-
тия комитети, ташкилотларнинг
умумий йилгишларида муҳома-
а қилишмоқда. Масалан, «Ўз-
лик» тайёрлов пунктидаги тек-
ширув натижалари Ўрта Чир-
чиқ район партия бўросининг
йилгишда кўриб чикилди.
Бўро қарори билан «Қорасу»
пахта заводининг директори
Шарифбоевга партиявий жазо
қўрилди.

Областимиздаги 44 та пахта
пунктида «оқ олтин»ни қабул
қилиш жадал давом этмоқда.
Халқ назоратчилари ҳамма
объектларда бўлиб, мажбур
тамчилларни тугатиш учун
қўнгина ишларни амалга оши-
ришмоқда. Шу билан бирга
пахта пунктлари ҳўжалиқлар-
дан қабул қилинаётган ҳосил-
ни тортиб олиш ва анализ
қилишда қўшмача тадбирларни
белгиланш лозим. Биринчи га-
да классификаторларнинг иши-
ни кўриб чиғиш зарур бўлган
жойларда қўшмача масъулият-
ли кишиларни белгилан мақ-
сада мувофиқдир.

Шундагина қабул қилинаёт-
ган пахтанинг сифатини белги-
лашда ижобий натижаларга эри-
шиш мумкин.

А. ПУТТИЕВ,
область халқ контроли ко-
митети раисининг ўринбо-
сари.

РАССОМ ПАХТАЗОРДА

— Естиққа лойиқ тердим,
бўлар...

— Тавба, пахтаимизни
ифлос дейишад-я?!

— «Пойгачи» йўлда.

— Бир пахта пунктининг

«умумий кўриниши».

А. Холиқов расмлари.



ПРОЖЕКТОРЧИЛАР ҲИССАСИ

Хўжалигимиз «Комсомол
проекторчи» аъзолари халқ
контроли группасига яқиндан
ёрдам бермоқдалар. Улар экни
экиндан тортиб, то ҳосилини
йиғиб-териби олгунча қўнгина
текширишлар, рейдлар уюшти-
риш, назоратчилар билан доимо
ҳамкорлик қилишмоқда. Комсо-
мол проекторчилари ишлаб
чиқаришга тўққинчи қилган
хатотларни йўқотиш борасида

жуда кўп ишларни амалга
оширдилар.
Чорвачилик фермасига рейд
уюштириб, сут согиб олиш-
нинг нима сабабдан пасайиб
кетаятганлигини аниқладик.
Текшириш натижаларидан сов-
хоз маъмурияти, партия таш-
килотини хабардор қилдик ва
ишчи намунали ташкил қилиш
юзасидан қатор тадбирлар бел-
гиланди.

Бир неча кун аввал фермада
қип учун тайёрланган дағал
хашақдан ҳўзроқ молларга
берилаётгани ҳақида штабимиз-
га сигнал тушди. Дарров тек-
шириш ўтказилди ва айбдор-
лар жазоланди.

Комсомоллар шу кунларда
даладаги ҳосилни не-нобуд
қилмай йиғиштириб олиш, ҳо-
силдан бўшаган ерларни ба-
хорга тайёрлаш, транспорт во-
ситаларида тўла фойдаланиш

йўлида муҳим ишларни амалга
оширишяпти.
«Комсомол проекторчи»
ишини бундай намунали дара-
жада олиб боришда З. Умар-
алiev, Н. Нурматов, А. Қол-
дибев сингари ёшлар муносиб
ҳисса қўшиб келмоқдалар.

К. ЭШОНОВ,
Калинин район «Тошкент»
совхоз комсомол ташки-
лотининг секретари.

КОНЧИЛАРГА КЎМАКДОШ

А. Ниёзматов ҳунар-техника
билим юртини тугаллаб экса-
ватор машинисти ёрдамчиси
бўлди. Йил ўтмай мустақил
машинистликка ўтди.

Тўққизинчи беш йиллик да-
вомида қилган самарали меҳ-
нати учун у Меҳнат Қизил
Байроқ ордени билан мукофот-
ланди. Ёш машинист бошлиқ
экипаж аҳли разрезда бирик-
тирилган қаторида беш йиллик то-
пириқни бажариб, шу кунгача
20 эшелондан ортиқ «қора ол-
тин» қазиб чиқарди.

Илгор кочи жамоат ишлар-
ида ҳам актив қатнашди. У
2-участка халқ контроли груп-
пасининг раисидир. Назоратчи-
лар ички резервларни қидириб
топиш, оғир қўл меҳнатини та-

лаб қилувчи жараёнларни ме-
ханизациялашда қўнгина тад-
бирларни амалга оширдилар.
Йилда халқ назоратчилари
электрослесарь С. Мельников,
экспедитор машинисти Р. Ха-
кимов, конвейер машинисти Р.
Мельниковлар устасида иш
вақтидан қандай фойдаланаёт-
ганини текширишлар. Шунда
конвейерларнинг баъзан бузи-
либ туриши, ахтир қисмлар-
нинг етишмаслиги маълум бўл-
ди. Халқ назоратчиларининг
сигнали билан қатор тегишли
тадбирларни амалга оширди.


А. Ниёзматов ахтир қисм-
лар, турли материаллар ҳўжа-
сийлик билан сақланаётгани-
ни аниқлаб, механиклар ўр-
тасида йилгилиш ўтказди. Унинг

таклифи билан йилги сақла-
увчи илчилар тартибга келти-
рилди. Эҳтиёт қисмлар, мате-
риаллардан тежаб-тергаб фой-
даланиш бўлими назорат қи-
лишчи механик Н. Расторгуев-
га тошпирилди.

А. Ниёзматовнинг яна бир
таклифи билан электр қував-
тидан тежаб-тергаб фойдала-
ниш сабабли 100 минг кило-
ватт-соатга яқин қувават тежаб
қолинди.

Халқ назоратчиларининг
актив фаолияти туфайли кўмир-
нинг сифати ахшиланди, ишлаб
чиқариш технологияси, техника
ҳаёфеизлиги қондаларига риоя
қилиш даражаси олди.

Ф. ПЕТРОВ,
Антрес.



МАТБУОТ ИХЛОСМАНДЛАРИ

— Бугунги фан ва техника, беҳисоб ривожланиб бораётган ва дунё воқеаларига бой ҳаётининг газета-журналлар-сиз тасаввур қилиш мумкин эмас, — дейди республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Тошпўлат ака Усмонов.

Дарҳақиқат, Тошпўлат ака оиласи ҳар йили «Известия», «Совет Узбекистони», «Правда Востока», «Ўқитувчилар газетаси», «Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқшони», «Лепни учқун» газеталари, «Коммунист», «Физика в школе», «Квант», «Здоровье», «Гулахан» журналларига обуна бўлишади.

Қишлоқ хўжалик институти-нинг ўқитувчиси Малюк ака Баҳодиров, илмий ходим Анвар Шайхон, Тошкент темир йўли поликлиникаси вақтчи Абдураҳмон, пенсионер Абдулла ота Султоновлар оиласи ҳам ҳозир 10—14 хил газета, журналларга обуна бўлишди.

Бугунги кунда бундай газет-хон оилаларни қўлаб кўрсатиш мумкин. Бу эса, ҳаётининг кўзгуси — совет матбуотида халқимиз ҳурматининг ёрқин ифодасидир.

С. СЎЛТОНОВ.

УЧ РАССОМ ИЖОДИ

Кейинги йилларда рассомларимиз тасвирий санъатнинг барча жанрларида барқарор ижод этмоқдалар. Уларнинг иланишлари тез-тез уюштирилётган кўргазмаларда ўз ифодасини толмоқда.

Яқинда Ўзбекистон рассомлар союзи виставкаси залида уч рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ю. Елизаров, график рассом Г. Чиганов, плакатчи рассом Н. Шеретневлар ижодига бағишланган яна бир кўргазма очилди.

Кўргазмада иштирок этаётган ҳар бир рассомнинг ўз ижодий йўли бор. Томошибин истеъдодли портретчи рассом Ю. Елизаровнинг илк қадами ва камолот даври, яъни унинг турли-туман ижодий иштирокларини акс эттирувчи тасвирий санъат асарлари билан танилади. Ўзбек халқининг тарихи ва бугунги ҳаётига бағишланган тематик полотноларда рассом композицион ва асар колоритини белгилайдиган мураккаб муаммоларни тўғри ҳал эта олган.

Елизаровнинг хотин-қизлар портретлари характер жihatдан хилма-хил ҳис-туйғуларга тўлиқ. Рассом томонидан олисдаги қишлоқнинг манзараси, ҳосили териб олинган пахта далалари тасвирланган «Теримчи қиз» (1949 йил) портрети ана шундай асарлардан биридир. «Каптар тутан қиз» (1953 йил) расмида эса ҳамма нарсаси ашаб-тулган турган ҳаётдан завққа тўлган, ҳаёт гузаллигидан нур эмган. Кичик ҳовли бурчагида қўлида каптар ушлаб турган ёш ўзбек қизи образи кўшнинг ҳадисиз ёдуси билан, мусавволик билан узайи уйғулашиб, кетган.

Рассом ижодига «Содирдин Айнинг портрети» (1951 йил) алоҳида акралаб туради. Айнинг оёқлари чекраси, кенг пешонаси, меҳнат-қиз қўлларини рассом моҳирлик билан чицаб, ёзувчининг нуруний сиймосини гавдалантирган. Елизаров кейинги портретларида инсон психологик характерини чуқурроқ очиб бераётган. «Ота портрети», «Мухтор Ашрафий портрети», «Урол Тансиқбоев», «Мукаррама Турғунбоева», «М. Бурханов портрети», «Рассом Р. Тимуров портрети», «Ойбек» ва бошқа асарлари шулар жумласидандир.

Рассом портрет яратишда ўз модели «хўшмад» қилмайди, уни ортқича беэмайди, камчилигини ниқобламайди, бироқ шахснинг характерли белгиларини илғай олади. Санъаткорнинг одамларни кузатишда

ги қобилияти, уларнинг ўзига хос индивидуаллиги ва ички дунёсини, асосий характерли белгиларини бадий англай олиши СССР халқ артисти Шукур Бурханов, композитор Б. Зейдан образларини яратишдаги маҳоратида кўзга яққол ташланади.

Рассом 1958 йилги ўзбек адабиёти ва санъати декадасида «Ўзбекистон санъат арбобларининг» гурппа портретини «җизди». Бу гурппа портретда у ёзувчи, композитор, бастакор, артист ва рассомлардан иборат ижодий интеллигенциянинг табиқий вакиллари тасвирлаб берди.

У Ҳалима Носирова, Аббор Хидоятов, Мухтор Ашрафий, Шукур Бурханов, Галия Измайлова, Урол Тансиқбоев, Мукаррама Турғунбоева ва бошқаларнинг портретларини яратди. Бу асар Ўзбекистон тасвирий санъатида замондошларимиз гурппа портретини яратишдаги илк тажриба сифатида ҳам аҳамияти каттадир.

Шунингдек, рассом табиат манзаралари ва натюрморتلар яратишда ҳам самарали меҳнат қилди. («Шоҳинда», «Регистон», «Самарқанда баҳор» ва бошқаларда, манзараларда Елизаров Самарқанд-

нинг қадимий ва янги қиёфасини, унинг гузаллиги ва кундалик ҳаётини акс эттирди.

Адабиёт ва санъат мухлислари Г. Чигановни китоб безакчиси, график рассом сифатида яхши билишади. Кўргазмадан унинг акварель расмлари ва линогравюралари ҳам ўрин олган. Айниқса, «Навқирон Ўзбекистон» туркумидаги «Сўнгги томчи», «Биринчи ҳарф», «Биринчи кун», «Отар тоғдан тушмоқда», «Олтин кўз» сингари асарлари диққатга сазовор. Буларнинг ҳаммаси ўз мазмунига кўра республикамиз ҳаётининг маълум даврларини акс эттиради, яъни бу асарларда халқимизнинг сулувор кураши, қаналлар қурилиши, Улуғ Ватан уруши ва тинч меҳнат даври эпизодлари ўз жиҳосини топган.

Шунингдек, рассомнинг «Ленин яшган жойлар бўлаб», «Бен-сей бўлаб», «Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарлари» бўлаб, «Урол», «Совет Тузаси» туркумларида кирган юздан зиёд расмлари намойиш этилмоқда. Туркумлар ичида айниқса «Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарлари бўлаб» туркумига кирган расмлар қизиқарли, мазмунли, ранг-барангдир. Уларда Бухоро, Хива, Тошкент манзаралари моҳирона тасвирланган. «Тошкентда куз тон-ги», «Тошкентдаги М. Горький кўчаси», «Кўзи Тошкент», расмлари шулар жумласидан. «Ўзбекистон бўлаб» (1972—1975 йиллар) туркумида эса, республикамизнинг сулувор дарё соҳиллари-ю, ўрқачли тоғлари, доволарга элтувчи йўллари, фасларнинг ранг-баранглиги, халқимиз турмуши ва меҳнати манзаралари ўз аксини топган.

Н. Шеретнев асосан плакатчи рассом. Унинг плакатлари композицияси, рангларининг берилиши, жанрининг ўзига хос воситаларидан устали билан фойдаланиши билан умуман, ҳар жihatдан оригинал ва ёрқин. У сатирик плакатлар чиқишда ҳам муваффақият қозонган. Кўргазмада унинг кичик манзаравий расмлари ва этюдлари ҳам намойиш этилган.

Умуман, бу уч рассом ижоди бир-бирига ўхшамайди, аммо мазмунан ўзбек тасвирий санъатини бойитишда бир-бирини қўллаб-қувватлашди. Уларнинг кўргазмаси тасвирий санъат мухлисларини мамнун этди. Чиганов ва Шеретневлар учун эса, бу кўргазма ижодий етуклик натижасини акс эттирувчи кўзгү вафасини ҳам ўтати.

Т. ОДИЛБЕКОВ, санъатшунос.
Э. МУХАМЕДОВ, журналист.



Суратларда: рассом Ю. Елизаровнинг «Ўзбекистон ССРнинг эълон этилиши» ва «Регистонда» расмлари.

Т. Одибеков фоторепродукциялари.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ШОФЕР КИНОМЕХАНИК

Оқдўрган район меҳнат-қашлари киномеханика Мамад Олдинов номини ҳурмат билан тилга олади.

Далаларда иш қилган келатган шу кунларда М. Олдиновнинг кино апарати на денгалари ўриштирилган машинасини районнинг турли қолхос ва совхозларида учратиб мумкин. Кўча кино меҳаниги дала шийонларига, йўлларга, маданият саройларига бориб, қизиқарли кинофильмларини, намойиш қилмоқда.

Киномеханик 20 йилдан бери меҳнатқашлар хизматида. Ўзоқ йиллар намунали ишлаб-қилиши учун у район партия комитети, район икромия комитетининг Фахрий ёрқилари билан мукофотланган. Илгор киномеханик шу кунларда ўзининг беш йиллик ҳисобига ишлаганида.

М. Олдиновнинг пискентлик ҳамкасиби В. Аюпов ҳам шу кунларда шахсий беш йиллик ишлагани бажариб, ўзининг беш йиллик ҳисобидан ишлаганида.


Район меҳнатқашлари бу тиниб-тиничмас киномеханикдан беҳад миннатдорлар.

ТЕЛЕФИЛЬМЧИЛАР ТУҲАССИ

Шу кунларда Иттифоқи-нидаги кўпгина телевизион фильм студиялари «Съезд-дан-съездгача» деган турку-ми яратиб бораётган. «Ўзбек-тефильм» ижодкорларининг янги «Совет Ўзбекистони» номли ҳужжатли фильмлари ҳам ана шу туркумга ки-ради.

Тулиқ метражли, рангли ҳужжатли фильм сценарий-сини Ҳамид Ёзулов ва Қурбон-баҳшлар ваб беришган. Фильмда Ўзбекистон меҳнат-қашларининг тўққизинчи беш йилликда қўлга киритган улкан зафарлари, келгусидаги режалари ҳақида ҳикоя қилинади. Республикада хизмат кўрсат-ган артист режиссёр Х. Ниро-ҳимов фильм мазмунли ва қи-зикарли чиқиши учун бор сар-ғатини ишга солмоқда.

Телефильмчилар шунингдек, «Оқ олтин» ҳақида уч новелла-номли туркумини ҳам яратиш-моқда. Бунда олимлар лабора-ториясидан тортиб, кенг дала-ларда юксак ҳосил учун бора-ётган кураш ўз ифодасини то-пади. Томошибинлар бу но-велларлар орқали машҳур ме-ханизатор ва пахтакорларимиз билан танишади.



Қишлоқ чеккасида.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР ШВЕЦИЯДА

СТОКГОЛЬМ, 15 октябрь. (ТАСС). Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг наприёт, поли-графия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг расни, Ўз-бекистон Журналистлар Союзи, правленисининг расни З. Н. Есенбоев бошчилигидаги Совет Ўзбекистон делегацияси аяна-вий Совет Иттифоқи кунлари байрамида қатнашиш учун бу е-рга келди.

Делегация Швеция диёрида бу-лишнинг биринчи куниде Шве-ция муниципалитет маданият хо-

димлари билан учрашди ва Сток-гольм марказидаги маданият уйи-да бўлди. Совет меҳмонларининг программасига мувофиқ Швеция маориф министрлигининг ходим-лари билан учрашув бўлади, «Швеция — Совет Иттифоқи» жамиятлари иттифоқи томонидан уюштирилган, жамоатчилик йи-ғилишида иштирок этади.

Совет Иттифоқи кунлари рас-мий равишда 18 октябрь кунини Мальме шаҳрида, очилади ва 26 октябрда Швециянинг турли шаҳарларида ўтказилади.

СЭЗ — «ИШҚАЛАНИШ, ЕМИРИЛИШ ВА МОЙЛАШ НАЗАРИЯСИ» БУЙИЧА БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ҲАМКОРЛИГИМИЗ САМАРАЛАРИ

Герд ФЛАЙШЕР,

техника фанлари доктори, Магдебург Политехника инсти-тутининг профессори, ГДР делегациясининг бошлиғи

Яқинда Кремлда КПСС Мар-казий Комитетининг Бош сек-ретари Леонид Ильич Брежнев ва Германия Бирлашган Со-циалистик партиясининг бири-чи секретари Эрих Хонеккер ўртоқлар дўстлиги, ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдам бўйича янги шартномани имзоладилар. Мос-квадаги бу учрашув икки мам-лакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик му-носабатларининг янада кенг ривожланишида муҳим босқич бўлиб қолиши шубҳасиз.

Тошкентда ўтказилаётган ил-мий конференцияда қатнашаёт-ганларимиздан беҳад мамнун-миз. Конференция келгусида катта параметрли ва кам еми-рилишли машиналар ишлаб чи-қаришга ёрдам беради. Бу со-ҳада совет олимларининг биз ўз ўқитувчиларимиз деб ата-миз. Уларнинг кенг миқёсда олиб бораётган назарий иш-лари олимларимизга, айниқса ёшларимизга катта таъсир кўрсатмоқда. Конференция иш-тига делегациямизнинг бар-ча аъзолари номидан муваф-фақият тилайман!

Мамлакатимиз олимлари иш-қаланиш, емирилиш ва мойлаш назарияси бўйича 1968 йилдан буён Совет олимлари билан ту-

зилган шартнома асосида иш олиб бораётганлар. Аниқроқ айтганда, Москвадаги машина-созлик институти бу йилимизда бевосита қўлмақдас. Биз Го-мельда, Киевда бўлиб ўтган конференцияларда иштирок этдик. Бу конференциялар совет фанининг мазкур соҳада келгусида янада кенг тараққий этишидан далолат бериб тури-пти. Биз Совет олимлари билан яқиндан танишаётганлигимиз билан беҳад мамнунмиз. Шунингдек, Тошкент Давлат По-литехника институти билан Магдебург Политехника инсти-тутини ўртасида алоқалар мус-таҳкамланишига ишончмиз ко-ли. Мен аминманки, ҳозирги учрашувларимиз келгусида кенг ҳамкорликка айланади. Мен бизни илқ кутиб олган Ўзбекистонлик дўстларимизга чуқур миннатдорчилигимни из-ҳор этаман.

Игорь КРАГЕЛЬСКИЙ

техника фанлари доктори, профессор, РСФСРда хизмат кўрсатган фан ва техника ар-боби

Ўзбекистон саноати йил са-йин тараққий этиб, юксак чў-қиға кўтарилипти. Республика-да ишлаб чиқарилаётган тўқи-мачилик ҳамда қишлоқ хўжа-лиги машиналари ва юзлаб бошқа турдаги машиналар ҳо-

азирги замоннинг мукаммал техникаси эканлигини намойиш қилмоқда. Илмий конферен-циянинг Тошкентда ўтказили-ши ҳам бунинг бир далилидир.

Ҳар йили Совет Иттифоқида жузда катта миқдордаги маб-лағлар машиналарнинг ремо-нига сарфланоқда. Агар биз ишчиланиш, емирилиш ва мой-лаш қонуниятларини чуқур ў-рганиб, машиналар ишлаб чи-қаришда улардан етарли даража-да фойдалансан, ана шу ҳа-риятлар кескин даражада на-майишли турган гап. Бу илмий аниқламанинг ўтказилишидан мақсад ҳам худди ана шунда. Мойлашда жоғри сифатли мой-ларнинг ишлатилиши, машина ва механизмлар қисмлари иш-қаланиши ва емирилишининг камайишига олиб келади.

Ўйлаيمانки, конференция машинасозликдаги сифат кў-рсаткичларининг янада яхшила-нишига катта таъсир кўрсата-ди. Олимлар бу борада са-ноат корхоналари билан ҳам-корликда бир қатор диққатга сазовор тадбирларини амалга оширишмоқда.

Менимча, Ўзбекистонда тре-ботехника бўйича марказ та-шиқ қилиш мақсада мувофиқ бўлур эди. Бу марказ ишқала-ниш, емирилиш ва мойлаш ма-салалари билан бевосита шу-ғулланиб, фани ишлаб чи-қариш билан боғлайдиган кўприк бўлиб қолади.

Спортив

КОНЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича олий лига командалари ўртасидаги маж-лакат чемпионатида яна бир матч бўлиб ўтди. Донецьда маҳаллий «Шахтёр» командаси Марказий Армия спорт клуби футболчилари билан уч-рашди.

Кончилар бу матчда яна бир марта юксак маҳорат намойиш қилиб 2:0 ҳисобида устул кел-дилар. Тўплари иккиччи тайм-нинг дастлабки минутларида «Шахтёр» ҳужумчилари Ду-динский ва Соколовскийлар киритишди.

Бутун чемпионатнинг яна бир матчи ўтказилди. Бунда пахтакорчилар ўз майдонлари-да биринчилик пешқадамлари — Киев динамочилари билан учрашади.

РЕСПУБЛИКА

ЧЕМПИОНАТИ

Ленинбоддаги трекда вело-сипед спорти бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпиона-ти низоҳасида етди. Бу мусоба-қаларда қўнғили спорт жа-мийалари ва идораларнинг тер-ма командалари иштирок этдилар.

Кескин спорт кураши остида ўтган бу биринчиликда тош-кентлик спартакчилар команда-си низоҳасида етди. Бу мусоба-қаларда қўнғили спорт жа-мийалари ва идораларнинг тер-ма командалари иштирок этдилар.

60 даврадан иборат 20 та оравлиқ марралли оломон пой-га да ҳам «Спартак» жамияти велосипедчилари пешқадамлик қилдилар. Ғолиб команданинг аъзоларидан Г. Молодцова, Л. Будник ва В. Тўйневлар эса шахсий ҳисобда совринли ўри-ларни ишғол қилишди.

Редактор

А. АБАЛАН ФОТОСИ.

А. ИСМОИЛОВ.

Реклама

ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги ҳунар-техника таълими бўйича давлат комитети ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ САНОАТИ ВОШҚАРМАСИ БАЗА.

СИДАГ 140-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1975—76 ўқув йили учун қўйидаги мутахассислар бўйича ҚУШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МЕБЕЛЧИ, КЕНТ ПРОФИЛДАГИ ЕГОССОЗ-СТАНОКЧИ, ДУРАЛТОР, ПАРДОЗЛОВЧИ, ФАНЕРЧИ, ЕГОССОЗЛИК УСҚУНАЛАРИ БУЙИЧА СОЗЛОВЧИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ВА 2 ЙИЛ. Билим юртига 8—10 синф ҳақида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади. ЎҚУВЧИЛАР кунига уч маҳал бепул оқат, нийим-бош ва иш-лаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва мах-сус ўқув юртиларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Кирувчилар қўйидаги ҳужжатларини топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржиман ҳоли, тутилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёни паспорт, маълумоти тўғрисидаги гу-воҳнома, турар жойидан сираси, 3х4 см. ҳақидаги 4 донга фото-сурат, медицина справкиси.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Чоштепа кўчаси, 318-уй (18, 122, 131-автобусларнинг «Комсомольская» бениати).

ДА — 171X да Парвоз, 181X да Парвоза.

МУКМИНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДА-ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 171X да Хотинининг эри, 181X да Хонума хонум.

ШАПИТО ЦИРКИДА — Москва цирки артистларининг гастрол-лари (19.00).

КҲНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ватерлоо — САНЪАТ САРОНИ (кундуз ва кечкурун).

Шаҳарда икки иш — «ТОШ-КЕНТ СОВЕТНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кун-дуз ва кечкурун), «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (топ соатларда), «МОСКВА» (10.00, 11.45, 12.30, 17.30, 21.00).

Жановичи ва унинг иши — НАВОНИ НОМЛИ (кундуз ва кеч-курун), «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИ-СТОН» (кундуз соатларда).

Сўнгги ўқ: Қопон: — «ЎЗБЕ-КИСТОН», «НУКУС» (кундуз ва кечкурун).

Оддий муҳаббат — «МОСКВА» (18.00, 19.00), «ЧАПКА» (кундуз ва кечкурун).

Кромель — «ВОСТОК» (кундуз соатларда).

ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДА-ЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ-